

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ
УНИВЕРСИТЕТИ**

Нурматов Акбар Норматович

ШАРҲЛАШ ЖУРНАЛИСТИКАСИ

Маъруза матни

Бакалавриатнинг 5320400

- халқаро журналистика таълим йўналиши учун

ТОШКЕНТ—2010 йил.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашининг 2005 йил “---” августдаги йиғилишида муҳокама қилинган ва тасдиқланган. Баённома №

Тақризчилар:

Ф.ф.н., доцент Маматова Ё.

Ф.ф.н., катта ўқитувчи Қахҳоров Т.

АННОТАЦИЯ: Шарҳлаш журналистикаси фани журналистиканинг ижодий назария билимлари таркибидаги мустақил фан сифатида 2 курс талабаларига ўтилиб келади. Замонавий журналистик ижодий тафаккурни шакллантириш, журналистни ОАВ тизими талаб-эҳтиёжларига мос келадиган амалий, ижодий фаолиятга тайёрлаш – бугунги куннинг энг муҳим, долзарб вазифаларидандир.

Шарҳлаш журналистикасини ўзлаштириш публицистика ва унинг мазмуни тараққиёти босқичида тўпланган тажрибаларни, янги билим ва малакаларини ўзлаштириш, назария ва амалиётни чамбарчас қўшиб олиб бориш орқали эришилади. Ушбу курс журналист учун зарур фанлар тизимининг навбатдаги босқичини хулосалаб беради. Журналистика ва шарҳ ҳақида асосий (фундаментал) билимлар мажмуасини янада кенгайтиради. Шарҳлаш журналистиканинг янги модели, яъни қандай бўлиши кераклиги ҳақида тасаввур ҳосил қилади, ўқув жараёнидаги фаолликни, қобилият, иқтидорни ўстиришга, билимларни эгаллашга, мустақил тажриба ҳосил қилишга йўналтиради.

I - мавзу: Шарҳлаш журналистикасининг асосий хусусиятлари

Режа:

- 1. Шарҳнинг ўзига хос хусусиятлари**
- 2. Шарҳнинг бошқа жанрлар билан боғликлиги**
- 3. Ижтимоий онгни шакллантиришда шарҳнинг аҳамияти.**

Шарҳлаш журналистикаси ўз ичига таҳририят ва муаллифлик саҳифаларини олади. Барча вазиятларда ҳам шарҳ ўз номи билан аудиторияга етказилиши керак. Унинг сарлавҳасидан тортиб матн тузилишигача ушбу қоидага амал қилиши керак. Матбуот шарҳлари ҳар доим ҳам ҳукуматнинг матбуот хизмати шарҳлари билан мос келавермаслиги мумкин. Ҳукумат қарорлари ва хатти-ҳаракатини доимо шарҳлаб бориш журналистиканинг ажралмас қисмидир. Шу билан бирга кундалик матбуот шарҳлари танқид ва нозик шама-ишораларга мойилроқ бўлишади. Лекин барча ҳолларда ҳам шарҳлар жамият учун фойдали ва самарали бўлган ҳамда биргаликдаги ҳамкорликни қўллаб-қувватлаши лозим. Ҳатто ғарбнинг энг «сарик матбуоти» вакиллари ҳам ўқувчилар эҳтиросини жунбушга келтирувчи шарҳларни ёзишга истиҳола қилишади. Улар ўз газетхонлари ва реклама берувчиларга ўта боғлиқлиги ва уларни қўлда сақлаб туришга мажбурлиги туфайли бирон-бир сиёсий ёки диний қарашларни тарғибот қилишлари даргумон. Ҳозирги кунда журналистиканинг жамоатчилик олдидаги ижтимоий жавобгарлиги ўта муҳим тамойил сифатида ҳисобланмоқда ва бу тушунча шарҳлаш журналистикаси учун ҳам ўта муҳим.

Шарҳлаш журналистикасининг газетхонларга фойдали бўлган 5 та асосий жиҳати мавжуд:

1.Воқеа-ҳодисалар ҳақидаги ахборотнинг кўплиги туфайли юзага келган тушунмовчилик ва тартибсизликларни маълум бир қолипларга солишга ёрдам беради, ўқувчиларни ОАВ томонидан ўзатилаётган ҳаддан ташқари кўп хабар ва янгиликларга боғланиб қолишдан сақлайди.

2.Ўқувчиларни ижтимоий-сиёсий ҳаётга фаол иштирок этишга ундайди.

3.Ўқувчиларда танқидий нуқтаи назарни шакллантиришга ҳамда ҳар хил уйдирма ва ёлғонларга ишонмасликка кўникма ҳосил қилади. Муҳим ва жиддий муаммолар атрофида суҳбат ва баҳс-мунозаралар уюштиради.

4.Жамоатчилик фикри олдида мулозимларнинг маъсулиятини, кўпчилик томонидан қабул қилинган қарорларни демократик йўл билан хабардор қилиш қондаси қатъий эканлиги.

5.Газеталар нуқтаи назари ҳам нотўғри бўлиши ёки ҳар қандай қарор ва ҳатти-ҳаракатлар шубҳа остига олиниши мумкинлигига ўқувчиларда кўникма ҳосил қилади.

Шарҳлаш журналистикаси журналистик ижод назарияси фанининг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. У мураккаб жанр ва ижод тури бўлганлиги учун ҳам У1 семестрда 2 курс талабаларига етакчи фан сифатида ўтилади. Шарҳлаш журналистикаси матбуот ҳақидаги бошқа фанлар билан, жумладан таҳлилий журналистика билан чамбарчас боғлиқдир. Мазкур фан шу билан биргаликда журналистик маҳорат сирларини эгаллашда ҳамда мантиқан фикр юритишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Яъни бу курс журналистларнинг касбий тайёрланишида марказий ўрин эгаллайди.

Курс илмий маъруза, савол-жавоб ва бошқа хилдаги амалий машғулотлар тарзида олиб борилади. Талабаларнинг бу курсдан олинган билимлари рейтинг ва ёзма усуллар асосида текшириб борилади. Бунинг учун талабалардан

машғулотларга мунтазам қатнашиш, берилган илмий публицистик адабиётларни чуқур ўзлаштириши, ОАВнинг кундалик фаолияти билан танишиб бориши талаб этилади.

Адабиётлар руйхати:

1.Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: ўзбекистон, 1997.

2.«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида». Ўзбекистон Республикаси қонуни // «Халқ сўзи». – 1998. –10 янв.

3.«Журналистик фаолиятни ҳимоя қилиш тўғрисида». Ўзбекистон Республикасининг қонуни // «Халқ сўзи». 1997. – 26 апр.

4.«Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида. «Ўзбекистон Республикаси қонуни. // «Халқ сўзи». – 1997. – 26 апр.

5.Дўстмуҳаммад, Хуршид. Журналист бўлмоқчимисиз? – Т.: Янги аср авлоди, 2001.

6.Melvin Mencher. News Reporting and Writing. – Seventh edition/ - USA, Brown and Benchmark? 1997.

7.Shrivastava K.M. Media issues. India. Sterling Publishers, 1992.

II - мавзу: Шарҳлаш турлари. Очик шарҳ.

Режа: 1. Шарҳ турлари, уларнинг фарқли ва ўхшаш томонлари.

2. Шарҳ ва шахсий фикр.

3. Очик шарҳнинг ўзига хос хусусиятлари

Жаҳонда кечаётган воқеалардан воқиф бўлар экансиз ҳар доим ҳам тезда унинг бирор мамлакат ёхуд жаҳон тарихидаги аҳамияти ҳақида тасаввурга эга

бўлиш осон эмаслигини сезасиз. Бунинг учун аввало дунёда кечаётган воқеа ҳодисалардан мунтазам воқифлик, улар моҳиятига етишишга бўлган тинимсиз ҳаракат, ҳодисалардаги ҳамма ҳам кўришга қодир бўлмаган ўзаро боғлиқ нарсаларни англаш зарур. Шу боис ҳам биз кўпинча жаҳондаги янгиликлар билан танишар эканмиз, шарҳловчилар талқинига эътибор қаратамиз. Бу ўринда уларнинг билимдонлиги, зийраклиги, маҳорати ҳар биримизда ва умуман жамиятда маълум воқеага нисбатан жамоат фикрини шаклланишига кўмаклашишини кузатамиз.

Шунинг учун назариётчилар шарҳ ёзиш бўйича қуйидаги қоидаларга амал қилишини айтишади.

1. Шарҳловчи фактларни руйи-рост ва тўлиғлигича ўқувчиларга тақдим этиши лозим. Шарҳни ярим ҳақиқатга асосланиб ёзиш ярамайди ва бу виждонсизликдир. Шарҳловчи ҳеч қачон ўқувчини била туриб янглиштирмаслиги, вазиятни нотўғри талқин этмаслиги ёки бирор кишини ноқулай вазиятга қўймаслиги керак.

2. Шарҳловчи маълумотларнинг моҳиятига ва уларнинг яхшиликка хизмат қилишига асосланган ҳолда тасдиқланган фактлардан ҳолисона хулоса чиқариши лозим.

3. Шарҳловчи ҳеч қачон ўзининг шахсий манфаатлари йўлида ёки махсус бирон-бир фойдани кўзлаб ўз таъсирини ўтказмаслиги, коррупциянинг ҳар қандай кўринишига хизмат қилишдан қочиши лозим.

4. Шарҳловчи ўзининг ҳақ эканлигини англаши лозим. Яъни шарҳловчи учун нақадар оғир бўлсада, ким норози бўлса ўшанга биринчи бўлиб овоз берилиши лозимлигини англаши керак. Мазкур норозилик овозлар, таклифномалар ёки меҳмонлар саҳифаси рукни шаклида бўлиши мумкин.

5. Шарҳловчи ўз фикр-мулоҳазаларини мунтазам равишда ҳамма учун тушунарли тарзда етказиб бериши лозим ва зарур бўлган жойда тузатишлар киритишдан тортинмаслиги лозим.

6. Шарҳловчи ўзида кучли эътиқодга ва ҳаётнинг демократик тамойилларига қатъий ишончи бўлиши зарур. У бировнинг виждони ва эътиқодини ҳақоратлайдиган ҳар қандай нарсани шарҳлашдан ўзини сақлаши керак. Кўпинча газета саҳифалари битта фикрни илгари сурадилар. Шунинг унутмаслик керакки ҳар қандай умум тўғри фикрлар аввало индивидуал (якка) шахсий фикрлар мажмуасидан пайдо бўлади. Шунинг учун ҳар қандай бошқача фикр эътибордан четда қолмаслиги керак.

7. Шарҳловчи касбий дахлсизликнинг олий мезонларига риоя қилиши, ўзининг ҳамкасбларини қўллаб-қувватлаши лозим.

Оммавий ахборот воситаларида фаолиятингиз давомида мақолаларингизда ўз фикрингизни беришга мажбур бўласиз. Журналистика ўз табиатига кўра субъектив ҳодисадир. У теварак-атрофда руй берган воқеа-ҳодисаларга ўз муносабатини билдиришга мажбур. Онгли ёки ноихтиёр, очиқ ёки пардаланган шарҳлар - ушбу касбнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади.

Ҳар кунги газета саҳифаларини бош мақолаларсиз ва муаллиф саҳифаларисиз тасаввур қилиш қийин. Ушбу мақолаларда фикр-мулоҳазалар илгари сурилиши табиий, албатта. Гоҳида репортаж ёки хабар тарзида узатилган материалларни шарҳ деб бериш ҳоллари ҳам учрайди. Шарҳнинг ҳажми турли тарзда бўлиши мумкин. Кичкина хабар ҳажмида кетган шарҳлар гоҳида нафақат газетхонни, балки муаллифнинг ўзини ҳам хайратга солиши мумкин.

Буюк Британиялик журналист ва олим Дэвид Рэндалл шарҳнинг учта турини кўрсатади: очиқ, пардаланган ва ноихтиёр шарҳ. Очиқ шарҳ - бу аниқ кўриниб турган нарсани шарҳлаш: журналист тўғри ва очиқчасига ўз фикр-мулоҳазасини билдиради. Умуман олганда шарҳнинг ушбу кўринишидан дунёнинг кўпгина газеталари воз кечишган, ҳатто таъқиқлаб ҳам қуйишган. Буюк Британия ва АҚШда очиқ шарҳни бемаънигарчилик деб ҳисоблашади ҳамда унинг хизматидан бутунлай воз кечишган. Муаллиф очиқ шарҳлаётганда барча

газетхонлар бир хил фикрга эга деб ўйлайдилар: янгиликлар рубрикасида фақат хабарлар бўлиши керак, агар иложи бўлса унга ҳеч нарса қўшилмаслиги керак. Шарҳ эса бу таҳририят материаллари, машҳур муаллифлик саҳифалари ҳамда фикр, муносабатлар ва ҳақозалар учун мулжалланган.

Кўп ҳолларда ўқувчилар хабарларни ўқиётганида унга қандайдир фактларни етказишаётганини билишади. Ҳамма ҳам шарҳлаши мумкин, лекин ҳар кимда ҳам энг охирги фактлар бўлавермайди-ку. Шунинг учун ҳам янгиликлар шарҳлардан кўра қизиқарлироқдир. Ва шу сабабли шарҳлаш билан янгиликни чалкаштириб юбориш икковининг ҳам қадрини тушириб юбориши табиий. Бундай ҳоллар рўй берган пайтда фактлар хира тортади ва ўз қадрини йўқотади.

Барча ҳолларда бўлгани каби бу ерда ҳам очик шарҳ учун мустасно қилиш мумкин. Агар катта тажрибага эга бўлган журналист ўзи билган мавзуда ёзаётган бўлса, унда очик шарҳлаши мумкин. Чунки унинг фикр - мулоҳазалари газетхонга кўп нарса беради. Ушбу ҳуқуқни хорижда узоқ йиллар ишлаган мухбирларга ҳам бериш мумкин. Албатта бу ерда мухбирлар «Улар нима дейишса дейишсину, лекин менинг фикримча...» қабалидаги сўзлар билан мақола ёзмасликлари керак. Кўпроқ янги чизгилар беришга ҳаракат қилиши керак. Лекин барча ҳолатларда ҳам уларга очик шарҳ талаби қуйилиши зарур.

Иложи бўлса шарҳнинг ушбу турига кам мурожаат қилинса мақсадга мувофиқ бўлади. Фақат фактлардан иборат бўлган репортажлар газета фаолиятининг асосини ташкил этади. Шу билан бирга кенг шарҳ фикр-мулоҳазалардан ҳам фойдаланиш зарур. Ҳозирги кунда ахборотлар шу даражада кўпки, уларнинг кўпига шарҳ талаб этилади. Шунинг учун ҳам турли шарҳларга эътибор кундан-кунга ортмоқда. Барча ҳолларда ҳам очик шарҳ самимий, тезда англашиладиган тарзда газетхонларга етказилиши керак.

Адабиётлар рўйхати:

1.Тўртинчи ҳокимият. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, қарорлари ва бошқа ҳужжатлар тўплами (тузувчи ва сўзбоши муаллифи Ж.Раззоқов) . – Т.: Ўзбекистон, 1998.

2.Рендалл Д. Универсальный журналист: перев. С англ. Алексея Порьяза. –Алмати : 1996.

3.Ворошилов В.В. Журналистика: Учебник. СПб.: Изд. Михайлова, С.-Петербург, 1999.

4.Fred Fedler, John R. Bender, Luchinda Davenport, Paul E. Kostya / Reporting for the Media. Sixth Edition. USA: Harcourt Brace E Company, 1997.

5.Alfred Lawrens Lowurenz, John Vivian. News Reporting and Writing. USA: Allyn and Becon, 1996/

III мавзу: Пардаланган ва ноихтиёрий шарҳ: уларнинг умумий ва фарқли томонлари

Режа: 1. Пардаланган шарҳ: унинг ютуқ ва камчилик томонлари.

2. Шарҳ ва муносабат.

3. Шарҳда билвосита нутқ.

Одатда, шарҳни ким ёзаётганлиги аниқ кўрсатилади. Бундай ҳолатларда жавобгарлик умумий бўлади. Газеталарнинг муаллифлик саҳифалари - муаллифнинг сурати билан биргаликда берилади, лекин муаллифни бу тарзда танитиш ноодатий ҳол. Бундай ҳолатларда асосий қоида - бу муаллифнинг исми шарифи шарҳнинг ё юқори, ё пастки қисмида қия ҳарфлар билан берилади. Газета шарҳлари эса ўша газета таҳририятининг нуқтаи назарини ифодалайди. Масалан: барча республикамиз газеталарининг шарҳлари - ўша газетанинг шарҳларини ўз ичига олади. Яъни муайян газета муҳаррирининг шарҳи ўша газета ҳайъатининг нуқтаи назарини ифодалайди.

Таҳририятнинг бу тарздаги шарҳларининг устунлиги шундаки, унда ҳеч бир ходим гоҳида тушунарсиз ёки қалтис фикрлари учун айбни ўзига олмайди. Бу шу билан бирга алоҳида журналистнинг обрўга эга бўлиши эмас, балки газетанинг умум нуфузини ва имиджини оширишга хизмат қилади.

Ўқувчиларга ҳақиқий шарҳ нима-ю, янгилик ёки оддий хабар нима эканлигини тушунтириш керак. Деярли барча газеталар доимий фикр, муносабат, таҳририй мақола саҳифасига ёки рукнлар силсиласига эга. Бундай саҳифаларнинг юқори қисмида «Шарҳ», «Фикр», «Муносабат», «Таҳлил» ва ҳоказолар деб аниқ ёзиб қўйилиши керак ёки ўқувчи муайян саҳифа шарҳлар ва тушунтиришлар учун ажратилган эканлигини билишлари зарур. Саҳифа ҳар бир сонда бериб борилиши ва шакли ҳам қандайдир маълум бир тартибда бўлиши керак. АҚШда чиқарилган ўртача ҳажмдаги газеталарнинг рамзи

бўлган Гренд Форкс Хералд нашри шарҳлаш саҳифаси учун яхши андозадир. Бу саҳифани ҳар доим газетанинг биринчи бўлимида учратиш мумкин.

Бу тарздаги шарҳларнинг асосан пардаланган ёки ноихтиёрий турлари учрайди. Бу икковининг ўртасидаги фарқ унчалик катта эмас. Фақат пардаланган шарҳ - англоланган тарзда ёзилади. Ноихтиёрий эса ўз номи билан ихтиёрсиз, тасодифий шарҳ чиқиб қолиши мумкин. Зимдан ҳаракат қилиш ҳар иккала шарҳга ҳам тегишли. Лекин ҳар иккаласининг ҳам йўналиши бир хил ва бир натижага олиб келади.

Танлаш, ахборот қиймати ва тегишлилик каби масалалар бошқа бобларда таҳлил этилади. Бу ерда эса хабарни қандай ёзиш кераклиги ҳақида сўз кетаяпти. Масалага ушбу нуктаи назардан қараганда пардаланган ва ноихтиёрий шарҳларда эҳтиросларга бой ранг-баранг сўзлардан кенг фойдаланилади. Бундай ҳолларда кўпинча истехзоли усулдан фойдаланишга ҳаракат қилинади.

Адабиётлар рўйхати:

- 1.Рендалл Д. Универсальный журналист: перев. С англ. Алексея Порьяза. –Алмати : 1996.
- 2.Тоғаев О. Публицистика жанрлари. –Т.: Ўқитувчи. 1976.
- 3.Нестренко Ф.П., Эрназапров К.Т., Маматова Я.М. Труд журналиста: профессионализм, творчество, мастерство. Учебное пособие. – Т.: 2002.
- 4.Низомов Фаҳриддин. Янгиланиш анъанаси. – Т.: Маънавият. 1998.
- 5.Горохов В.М. Закономерности публицистического творчества. М.: 1975.
- 6.Shrivastava K.M. News reporting and editing. – Second revised edition. India: New Delhi, 1991.

IV мавзу: Билвосита нутқ

Режа:

1. Шарҳ ёзишда феъллардан фойдаланиш

2. Шарҳ ёзишда услубни танлай олиш

3. Шарҳ ёзишнинг этик қоидалари

«Деди», «хабар берди» каби сўзлар - бетараф феъллар ҳисобланади. Иқтибос сифатида келтирилган ушбу сўзлар бизни фақат хабардоргина қилади холос. Репортёрлар кўпинча ушбу сўзларни бошқа синоним сўзлар билан алмаштиришга ҳаракат қилишади, лекин бошқа синоним сўзлар бетараф ҳолатни тасвирлаб бера олмайди.

«Иқроқ бўлди» сўзи айбни тан олиш маъносида келса, «тасдиқлади» сўзи эса айтилганга ишонмасликни билдиради. Масалан, «таъкидлади» сўзи иқтибос муаллифига ишонганликни билдиради. Шу билан бирга, агар кимдир сизга ўз хатти-ҳаракатлари ёки қарорини тушунтирса ва бошқа асослар бўлмаса, сиз уни «ўзини шундай деб оқлади...» деб ёзиш керак эмас. Бундай сўзларни агар у инсонни қаттиқ танқид қилишган бўлса ёки бошқа усуллар билан уни ушбу тушунтиришган тақдирдагина ишлатиш мумкин.

Ноихтиёрий шарҳ ва мақолаларда кўпинча «Хавотирлиси шундаки...» ёки «Умид қиламанки...» каби кириш сўзлар билан бошлашади ҳамда аксарият ҳолларда бу кимнинг хавотири ёки умиди эканлиги унутилиб қўйилади. Тўғри, агар ушбу хавотир ёки умидни кимдир сиз билан баҳам кўрса унда ёмон эмас. Масалан: «Кеча мактабдан уйига қайтмаган учта боланинг тақдири учун хавотирлар ошаяпти. «Агар биз «Олтиннинг нархи тушишига умид ортмоқда» деб ўқисак, унда кимнинг умиди ортаётганлигини аниқ кўрсатишимиз керак. Бундай ҳолларда олтин қазиб олувчи ва ишлаб чиқарувчиларнинг умиди ошишдан кўра кўпроқ хавотирланиши аниқ.

Шу билан бирга шарҳ бирор нима бўйича фикрлаш, тушунча беришни англатади:

- а) бировдан қасд олиш
 - б) ҳис туйғуларни англатиш
 - в) эмоционал ҳаёжонни етказиш
- воситаси бўлиши мумкин эмас.

Шарҳда:

- а) ижтимоий аҳамиятга эга бўлган нимадир етказиб берилиши
- б) ишонарли аргументлар келтирилиши
- в) ахборотда муносиб танқид акс этиши
- г) муаллифни тинглаётган ўқувчига шарҳ тушунарли, равон тилда ёзилган бўлиши керак.

Ҳар бир материал:

- а) ўз услуби ва дастхатига эга бўлиши
- б) фактларга баҳо бериш ва таҳлил қилиш тартиб асосига қурилиши
- в) нигоҳ бирор мавзуга қаратилиши
- г) жонли янги ракурс, баъзан зиддиятли услубдан ифодаланиши
- д) ўқувчини мавзуга янгича нуқтаи назардан қарашига эришиш
- ж) ҳикоя қилиш эмас, кўрсатиб бериш
- е) фикрни ўқувчига қарши қуйиш эмас, мисоллар келтириш
- и) муаллиф тажрибасига эмас, мавзуга эътиборни қаратиши
- з) оҳангдаги узвий мутаносибликка амал қилиш (бирор оҳангни танланг ва охиригача шунга амал қилинг)
- л) Шарҳ расмий ёки норасмий бўлиши мумкин – ҳаммаси танланган мавзуга боғлиқ.

1.Профессионал маҳорат сари тўрт кадам. (Журналистлар учун ўқув қўлланма). – Т.: 2002. (Уруш ва тинчликни ёритиш институти).

2.Рендалл Д. Универсальный журналист: перев. С англ. Алексея Порьяза. –Алматы : 1996.

3.Черепанов М.С. Проблемы теории публицистики. – М.: 1973.

4.Маргарит Х.Салливан. Ответственная пресс служба. Государственный департамент США. 2002.

5.Melvin Mencher. News Reporting and Writing. – Seventh edition/ - USA, Brown and Benchmark? 1997.

V - МАВЗУ: Муаммони аниқлаш шарҳнинг асосий хусусияти

Режа: 1. Шарҳда муаммони қуйиш.

2. Таҳририят мақоласи учун кўрсатмалар.

3. Муаммо ечимини кўрсатиш.

Кимнидур нуқтаи назари ва сиёсий дастурининг қисқача ёзилиши оқибатида бир қанча муаммолар пайдо бўлади. «Ислохотчи», «сулчи», «катъий ислохот тарафдори», «каттиқ қўл», “мўтадил”, “экстремист” каби аниқловчи сўзлар худди фирқаларнинг номлари каби бир хилликка эга. Лекин ҳар доим ҳам бундай бўлавермайди. Чунки ушбу тушунчалар доимо ҳаракатда ва кўп нарсалар сизнинг позициянгизга боғлиқ ва айниқса, агар сиз уларни шарҳлаган бўлсангиз. Бундан ташқари ушбу терминларнинг барчаси биров ерга урувчи бўёқларга эга. Масалан: «экстремист» термини анча салбий бўёққа эга. Шунинг учун ҳам сизнинг бу фикрингизга кўплар қўшилмаслиги мумкин.

Бундан ташқари эски тушунчани унутмаслик лозим: Биров кимгадир озодлик учун курашчи, кимгадир террорчи. Яъни ушбу икки тушунча қаердан

келган бўлса, яна унда шунча бўёқдор сўзлар ҳам мавжуд. Ушбу терминлардан фойдаланиш кўпинча сизнинг онгли ва онгсиз ақидаларингизга боғлиқ.. Сизнинг нуқтаи назарингизга боғлиқ ҳолда ҳукуматнинг маълум гуруҳларининг хатти-ҳаракати ё «салб юриши» ё «иблисни тутиш» каби фаолиятга эга бўлади.

Шунинг учун ҳам сиз қўллаб-қувватлаётганлар доимо «адашади». Қўллаб-қувватламаганларингиз эса «жиноят» қилишади. Агар сизга намоёйишчилар ёқмаса унда «оломон» дейсиз, агар ёқса унда «халқ оммаси» ва ҳоказолар.

Сўзларни жуда эҳтиёткорлик билан ишлатишга тўғри келади. Ҳатто сўзларнинг энг беозорини танлаганингизда ҳам барибир нотўғри таассурот қолдириши мумкин. Шулардан келиб чиқиб шарҳлашда аввало муаммони аниқлаш муҳим ҳисобланади.

1. Муаммони аниқланг. Сиз нимани муҳокама қилмоқчисиз ёки ҳал қилмоқчисиз? Тушунтирилиши ёки изоҳланиши зарур бўлган бирор нарса борми? Шарҳловчилар янгилик ёки ахборотни фақат қайта қолипга солиши шарт эмас. Улар чўзилиб кетиши керак эмас, кўпинча қисқа ва лўндаси таъсирли чиқади.

2. Альтернативлар (имкониятлар) рўйхатини тузинг. Муаммо мавжудлигини аниқлагандан сўнг, сиз ўз билим ва тажрибангизни, ўзингиздаги мавжуд манбаларни яхшилаб кўздан кечиринг ва иложи борича кўпроқ ечимларни ишлаб топинг. Ҳар бир имкониятни кўриб чиқинг. Ҳаммасини кўриб чиқмагунингизга қадар битта ечимда тўхтаб қолманг.

3. Альтернатив (имкониятларни) текширишга киришинг, уларнинг ҳар бирига танқидий нуқтаи назар билан қаранг. Воқеликни текширишга тўғри (мос) келадими? Альтернатив (имконият) дан тезликда воз кечиш ҳам мумкин. Агар вазият тақозо этса унда таниш ва дўстларингиздан сўрашингиз мумкин.

4. Энг мос келадиган жавобни, энг фойдали ечимни топгунга қадар ҳаракат қилинг ва ундан кейин уни ўқувчига ҳавола этинг.

Таҳририят мақоласини ёзиш учун кўрсатмалар.

1. Ўқувчиларингиз дуч келаётган муаммони, таҳликини ёки жумбоқни аниқланг. Бу ерда ўқувчиларнинг таркибини миллий ёки халқаро аудиториядан иборат деб тасаввур қилишингиз мумкин.

2. Тарафдор ва қаршиларни ҳисобга олган ҳолда муаммони шарҳланг.

3. Газетанинг муаммони нима қилиши кераклиги ҳақидаги фикрини ифодалаш билан хулоса чиқаринг. Бошқа ҳолларда сиз ўзингиз билдираётган муносабатдан бошлашингиз мумкин.

4. Журналист ўзининг изланишларини тўлдириш учун турли хил манбаларни ахтариб топиши зарур. Аудиториядаги кутубхона -манбалар кўрсаткичига қаранг. Кимки ўзининг билган нарсасигагина суянса, улар янги ёки кенг маънода кўп нарса қила олмайди, уларнинг таҳлилий мақолалари жонсиз, моҳиятан саёз бўлиши мумкин ва айниқса агар уларнинг ўша масалага нисбатан билими тор бўлса.

5. Таҳририят мақолалари - сиёсатдан кўра кўпроқ газетанинг услубини ифодалайди. Бир газетанинг услуби бошқасиникидан фарқ қилади.

6. Шарҳловчи бўлиш - цивилизацияга эришган ёки эришаётгант жамиятнинг қирраларини намоён этиш учун имкониятдир. Бу зўравонлик ва фанатизмни ақл ва мулоҳазакорликка айлантириш имконини беради. Шарҳловчи - жамият ва миллат равнақини таъминлашга ёрдам беради.

7. Шарҳлар - яхши газетанинг юраги ва қалби, жамиятнинг виждони бўлиши керак.

Адабиётлар рўйхати:

1. Тогаев О. Қахрамон - ижтимоий ҳодиса. – Т.: Ўқитувчи. 1987.

2. Дўстмуҳаммад, Хуршид. Журналист бўлмоқчимисиз? – Т.: Янги аср авлоди. 2001.

3. Свитич Л.Г. Профессия: журналист. –М.: 1996.

4. Профессионал маҳорат сари тўрт қадам. (Журналистлар учун ўқув қўлланма). – Т.: 2002. (Уруш ва тинчликни ёритиш институти).

5. Рендалл Д. Универсальный журналист: перев. С англ. Алексея Порьяза. –Алмати : 1996.

VI - мавзу: Бош мақолаларда шарҳ

Режа: 1. Шарҳ ва журналист

2. Шарҳ ёзишнинг ўзига хос хусусиятлари

3. Шарҳ ёзишда журналист позицияси

Агар газета ходимлари орасида битта шарҳловчи бўлса, демак мавзунини танлашни ҳам унинг ўзи ҳал қилади. Агар таҳрир хайъати мавжуд бўлса у ҳолда қарор қабул қилиш норасмий тарзда бўлади. Таҳрир хайъати мавжуд бўлган газеталарда бирон қарор қабул қилиш уларнинг ичида ким ўша мавзуга ёки янгиликка кучли қизиқиши, билим ва тажрибаси бўлса ўша кишига боғлиқ бўлади. Шарҳ матриалларини тезликда топиб олиш мумкин.

Агар шарҳлар 12 ўрта узунликдаги параграфдан кўп бўлса, у жуда узун ҳисобланади. Агар шарҳнинг мақсади кенг қамровли тушунтиришни талаб этса, унда материал икки ёки ундан ортиқ шарҳловчилар ўртасида бўлиниши мумкин ёки материалнинг келиб чиқиши ҳақидаги маълумотлар нашрнинг бошқа жойига қўйилиши ҳам мумкин. Кўпчилик ҳолларда шарҳ қанча узун бўлса, уни маъноси шунча самарасиз чиқиши мумкин. Ундан ташқари узун таҳрир ўқувчини зериктириб ҳам қўяди.

Кўпинча газеталар ички саҳифаларига «Бизнинг шарҳ» деб номланган кичкина қутичали усулда жойлаштиришдан ҳам фойдаланишади. Қутича ичида шарҳнинг ўзидан келтирилган қисқача бир фикр келтирилади. Одатда ўқувчи мақоланинг сарлавҳасиданоқ таҳририятнинг муносабатини аниқлаб олади. Масалан шарҳли мақолага қуйидагича сарлавҳа қўйилиши мумкин. “Замонавий дарсликларнинг етишмаслиги мактабларимизга салбий таъсир кўрсатаяпти”. Мақола тагидаги қутичада эса қуйидагича ном бўлиши мумкин: “Янги бензин солиғидан тушаётган фойдани кечиктирмасдан мактаб дарсликлари учун сарфлаш лозим”.

Бош мақолаларда илгари сурилаётган фикр ёлғиз муҳаррир, ношир ёки радиомуҳаррирга тегишли бўлиши билан бирга, бу шарҳ айни бир пайтда ўша ноширга, сиёсий арбобларга, даврнинг муҳим мавзусига, йўналишига, ҳукумат сиёсатига, маданий ҳаётга ёки дипломатик ташаббусга қаратилган бўлиши мумкин. Ғарб мамлакатларининг кенг оммага мўлжалланган газеталари ўзларининг бош мақолаарида қандай мавзу фикр ва нутаи назарни баён этадиган «Таҳрир ҳайъатига эга.»

Кичик газеталарда бу йўналиш норасмий жараён бўлиб, таҳлил ҳайъатининг бир аъзоси куннинг бош мақоласини ёзишни ўз бўйнига олади. Сўнгра у ҳайъатнинг бошқа аъзолари фикрини ўрганиб чиқиб, унинг таҳририятда

қандай ўрин эгаллашини ҳал қилишади. Кейин журналист бош мақолани ёзиб, босишга беришдан олдин қўлёзмани бошқа ҳайъат аъзоларига тарқатиб чиқиши ҳам мумкин. Қўб йиллар давомида бирга ишлаб келган таҳрир хайъати аъзолари орасида бир-бирига ишонч шаклланган бўлиб, қўб ҳолларда мақолани ўқимасдан ҳам босиб юборавериши мумкин. Купчилик газеталар бош мақола муаллифини эълон қилмайди, бундан жамоатчилик мақоладаги фикр нафақат бир кишига тегишли, балки бутун газета жамоасига таалуқли эканлигини англаб олади.

Кичик газеталарнинг доимий ўқувчилари номи келтирилмаган бош мақола муаллифини унинг ёзиш услуби, мавзу танлаши ёки мисоллар келтиришидан билиб олишлари мумкин. Масалан бирон -бир газетанинг бош мақолаларини ёзувчи киши кишлоқда тугилиб усган бўлса, унинг мақолаларида кишлоқ муаммоларига оид мисоллар қўлаб келтирилади. Бошқа бош мақолалар муаллифи эса маҳаллий киши бўлиб, табиийки унинг мақолалар и кенг куламда маҳаллий сиёсат, тарих, иқтисод, маданият ва жамият ҳақидадир. Таҳрир хайъатининг мақола ёзишдаги қондасининг кизикарли ва гайриоддий томони шундаки, бош мақола ёзишга киришган киши ўзи қарши чиккан фикрни қўлаб-қувватлаши мумкин. Мисол учун жамоатчилик шаҳар яқинидаги ерга янги санитария чиқиндихонаси қуришга қабул қилмоқчи дейлик. Журналист эса бу ерга жуда яқин яшайди ёки чиқиндихона учун бошқа яхшироқ жойни билади. Шу туғрисида мақола ёзишни таҳрир хайъатининг бошқа аъзолари билан муҳокама қилгандан сўнг, ўзининг қамчилик тарафда эканлигини сезади ва бошқаларнинг эса янги чиқиндихона туғрисидаги мавжуд лойиҳани қўлаб-қувватлаётганини билади. У таҳрир хайъатининг ҳукмрон (қўпчилик) фикрини рад этиши мумкин, аммо у мазкур мақолани ёзишга навбати келган ягона шарҳловчи бўлиши ва таҳрир аъзолари нуқтаи назаридан қелиб чиққан ҳолда ўзи қарши бўлган позициядан туриб мақола ёзишга мажбур бўлиши мумкин.

Илгари сурилатган барча фикрлар ҳам қучли бўлавермайди. Мухаррир

ёки тахрир хайъати биргаликда муҳокама қилган ҳолда масалага нисбатан ўрта меъёрда ёндашишлари мумкин. Масала юзасидан бир жойда маҳкам туришдан қочишнинг сабаблари, етарли ахборот олиш мумкин эмаслиги, масаланинг ўта ижтимоийлиги, маданийлиги ёки иқтисодий томондан зиддиятлилиги ва ҳалақит берувчи омиллар чиқиб қолиши мумкинлигидадир.

Келинг, чиқиндихона масала юзасидан кўплаб альтернативларни кўриб чиқайлик. Дейлик биз Самарканд шаҳрида яшаймиз ва лойиха 100 миллион сўмга баҳоланган. Мақоланинг биринчи боши тахмин қилинган чиқиндихонага қарши позицияни эгаллайди:

Қарши позиция: Самарканд шаҳар ҳокимиятининг 100 миллион сўмлик чиқиндихона учун режаси шаҳарнинг жанубий қисмидаги хўжалик ерларига мўлжалланган бўлиб, тоза атроф-муҳитни сақлаш юзасидан ҳеч қандай режага эга эмас. Лойиҳанинг нархи жуда қиммат ва маҳаллий фермерларни кўчириб юбориш ҳақидаги банди билан мутлақо келишиб бўлмайди.

Бетараф позиция: Самарканд шаҳар ҳокимияти 100 миллион долларлик чиқиндихонани шаҳарнинг жанубидаги хўжалик ерларига жойлаштириш борасида эҳтиёт бўлиши шарт. Ҳамма партияларнинг фикрлари якуний қарор қабул қилинганга қадар ўрганиб чиқилиши лозим, тоза атроф-муҳитни сақлаб қолиш буйича текшириб олиб борилиши керак ҳамда ниҳоят бу жой чиқиндихона учун мос эканлигига амин бўлиш лозим.

Қўллаб-қувватловчи позиция: Самарканд шаҳар ҳокимияти учун шаҳарнинг жанубидаги хўжалик ерларида янги чиқиндихона қуришга ваколат беришга ва унга пул ажратишга вақт келди. Янги чиқиндихонасиз Самарканд шаҳри ривожлана олмайди ва гуллаб яшнамайди. Кўриниб турибдики, мазкур лойиҳани амалга ошириш орқали атроф-муҳит муаммоларини ҳам ҳал этиш мумкин.

1.Дўстмуҳаммад, Хуршид. Журналист бўлмоқчимисиз? – Т.: Янги аср

авлоди, 2001.

2.Професионал маҳорат сари тўрт кадам. (Журналистлар учун ўқув қўлланма). – Т.: 2002. (Уруш ва тинчликни ёритиш институти).

3.Нестренко Ф.П., Эрназапров К.Т., Маматова Я.М. Труд журналиста: профессионализм, творчество, мастерство. Учебное пособие. – Т.: 2002.

4.Shrivastava K.M. News reporting and editing. – Second revised edition. India: New Delhi, 1991.

5. Melvin Mencher. News Reporting and Writing. – Seventh edition/ - USA, Brown and Benchmark? 1997.

VII - мавзу: Ижтимоий муаммоларни шарҳлашнинг ўзига хос хусусиятлари этикаси

Режа: 1. Ижтимоий муаммоларни шарҳлаш ва журналист.

2. Шарҳлашда мақташ

3. Айблов шархи

Шарҳлашда одатда кўпликда «Биз» деб ёзилади. Бу сиз ишлаётган тахририятининг фикридир ва бир кишининг номидан ёзилмайди, шунингдек тахририй мақолага кимки ҳаракатда раҳбарлик қилаётган бўлса, ўша кишининг исми-шарифи шархнинг охирига қуйилиши мумкин. Тахририят мақоласига қуйиладиган талаблар қуйидагалардан иборатдир:

А) «Мен» сўзини ишлатманг (худди: «Менимча асосий катта йўл қурилиши керак»).

Б) Фикрни тўлиқ ифодалаш учун биттадан ортиқ тахририят мақоласи талаб этилади. Битта тахририят мақоласида жуда кўп нарсани ёритаман деб ҳаракат қилманг.

В) Кўпчилик ҳолларда, гарчи у кескин воқеа , долзарб муаммо бўлса ҳам сабр тоқатли бўлинг. Агар матн ичига киритилган нарсалар инқирозга ёки ўта шов-шувли нарсага оид бўлса ўқувчи толиқиб қолиши мумкин.

Г) Мақола муаллифи битта ёки ундан ортиқ қарши фикр тақдим этиши, кейин эса уни фактлар асосида нотўғрилигини исботлаши, норозилик тўлдирган битта фикрни олиб, текширув ўтказилиши лозим. Нимани назорат тутаётганлигининг исботлаш учун фактлардан фойдаланинг. Масалан сиз бундай ёзишингиз мумкин: « Ўзбекистон Давлат аграр университети илмий ходими Юлдашев Дониёр - янги ишлаб чиқилган угит пахтанинг ҳосилдорлигини оширади деган фикрига кўпчилик олимлар шубҳа билан қарамоқдалар. Шунинг учун тегишли текширувлар ўтказилмагунча бу угитдан доимий равишда фойдаланиш кечиктирилади».

1. Мухаррирларнинг мақсадлари: Одатда мухаррирлар мақташга ёки айблашга ҳаракат қиладилар. Бундан ташқари уларда кишиларнинг хатти-ҳаракатларини мақташга ёки айблашга мойиллик сезилади.

Мисоллар:

1) **МАҚТАШ:** *“Тошкент трамвай ҳайдовчилари сешанба кuni кучли қор ёғишига қарамай, минглаб пассажирларни ишларига олиб бориб қўйганлиги учун мақтовга сазовордир”.*

2) **АЙБЛАШ:** *“Сешанба кунги кучли қордан кейин, кўпчилик ҳайдовчиларнинг ўз автомашиналарини Тошкент кўчаларида қолдириб кетганлиги туфайли тегишли транспорт ҳаракати пайдо бўлишига олиб келди. Оқибатда кўпчилик ўз манзилларига кечикиб боришга мажбур бўлишди.*

А) *Сувни тежаш ёки қон қуйиш зарур каби фикр ёки ҳаракатга ишонтиринг.*

Мисол: “Тошкент атрофидаги тоғларда қорнинг кам бўлиши натижасида, шаҳарни таъминловчи сув омборларида бу йил баҳорда сув кам бўладиганга

ўхшайди. Тошкент аҳолиси оқиб ётган кранларни тузатиш ва сувни тежамкорлик билан ишлатиш йўли орқали сув танқислигининг олдини олишга ўз хиссаларини қўйишлари мумкин”.

Б) Нефть оқимида нима ҳодисалар бўлаётганини ёки қандай қилиб мураккаб қонунлар фуқароларга таъсир кўрсатиши мумкин деганга ўхшаш мураккаб муаммо ёки режани тушунтириш.

Мисол: Албатта мамлакатимизнинг солиқ бўйича кодекси қўшма корхоналар учун мураккаб кодекслардан биридир, уни фақат бешта асосий бўлимларга бўлган ҳолда тшунтириш мумкин.

1. Бош мақоланинг қисмлари:

а. Кириш қисми. Мавзу ёки муаммонинг номиёқ унинг долзарб ёки муҳимлигидан далолат бериб туради. Ўқувчига нима ҳақида гапирмоқчи эканлигини айтиш.

б. Асосий қисм. Бу қисм сизнинг асос ва далилларини тақдим этади. Бу бир томондан масаланинг муҳимлигини кўрсатса, иккинчи томондан уни рад этади. Бир томонлама асослашлар оммага унчалик маъқул келмаслигини ёддан чиқарманг. Ўқувчига қарши томоннинг фикрини ҳам кўрсатинг, оппонентларнинг ҳам.

в. Яқун. Сизнинг вазиятингизни кўрсатади. Бу ўқувчини бирор нарсага ишонишга ёки бирор ҳаракат бошлашга ундайди. Қон топширишга, Конституцияни қўллаб-қувватлашга ёки сешанба куни овоз беришга чорлаш ва ҳ.к.

2. Саҳифалар одатда устуннинг юқори қисмида исми-шарифи тўлиқ кўрсатилган яқка ёзувчининг фикрларини тақдим этади.

I. Шу билан бир қаторда устуннинг ўзи ҳам таълим бера олади, яъни кўнгил очади ёки ҳолатни таърифлай олади.

II. У кўп ҳолатларда муайян чизиқдаги фақат биргина асосий фикрни яратади.

III. Сиз “ Мен”дан эркин фойдалана оласиз ва ўз тажриба ва эътиқодларингизни киритишингиз мумкин.

IV. Шу билан бирга асосий фикрни ижобий мисол ва изланишлар билан қўллаб-қувватлашингиз керак.

V. Мисоллардан, кўпроқ ўз тажрибаларингиздан, кузатишингизлардан ва дўстларингиз ва яқинларингизнинг тажрибаларидан фойдаланинг.

VI. Ўз хоҳишингизга эрк берманг, ўқувчини ҳам унутманг.

Адабиётлар рўйхати:

1.Професионал маҳорат сари тўрт қадам. (Журналистлар учун ўқув қўлланма). – Т.: 2002. (Уруш ва тинчликни ёритиш институти).

2. Дўстмухаммад, Хуршид. Журналист бўлмоқчимисиз? – Т.: Янги аср авлоди, 2001.

3. Свитич Л.Г. Профессия: журналист . –М.: 1996.

4.Прохоров Е.П. Искусство публицистики.М. 1984.

5. Рендалл Д. Универсальный журналист: перев. С англ. Алексея Порьяза. –Алмати : 1996.

6.Melvin Mencher. News Reporting and Writing. – Seventh edition/ - USA, Brown and Benchmark? 1997/

VIII - мавзу: Шарҳлаш журналистикасида факт ва унинг талқини

Режа: 1.Шарҳлашда фактлардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари.

2. Таҳлил ва факт.

3. Шарҳда индуктив услубдан фойдаланиш.

Шарҳлашда воқеликни аниқлаш ва тасвирлашда муайян услублардан фойдаланилади. Улар нималардан иборат бўлиши мумкин? Шарҳлашнинг ҳам

ўзига хос шартлари ҳам мавжудми ёки у фақат муаллифнинг айниятига боғлиқми? Гоҳида «ижодкор шахс» гўёки ҳеч нарса билан чегараланмаган ҳолда ҳаракат қилади деган ёлғон тасаввур ҳам пайдо бўлади.

Албатта, ҳар қандай ижодда ҳам у ёки бу мавзуга нисбатан муаллифнинг ўзлигини ва иродасини намоён этиш учун кенг имкониятлар мавжуд. У ёки бу публицистик жанрда ижод этаётган муаллиф мавзуга нисбатан ўз дунёқарашини белгилаб олиши, шахсий ёки умумий хулосалардан, суҳбат ёки иқтибос келтиришдан бошлаши мумкин. Мавзунини ўрганиш жараёни турлича кечиш мумкин: бу материални тадқиқ этишнинг ҳажми нуқтаи назаридан ва бундай ҳолларда қандай услуб ва усуллардан фойдаланганлиги нуқтаи назаридан ҳам қараганлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Айнан мана шу танлаш эркинлиги воқеликни ўрганиш жараёнининг аниқ бир объектив омилларнинг йўқлигини келтириб чиқаради.

Шундай бўлишига қарамасдан баъзи бир умумий тамойиллар мавжудки, уларга амал қилмасдан туриб воқеликни ҳолисона ёритиш мумкин эмас. Турли миқёсдаги хабарларни диалектик нуқтаи назардан ёритиш зарур. Ушбу мураккаб муаммони публицистиканинг вазифасига таянган ҳолда илмий асосда ҳал этиш мумкин. Илмий таҳлил, талқин, умумлашмаларга асосланган ҳолдагина миллионлаб одамларга исботланган хулосалар, тавсиялар бера олади, ижтимоий фикрни шакллантира олади. Ҷамоатчилик фикрини бошқариш ролини ҳам амалга ошириш мумкин.

Шарҳлашда кўп ҳолатларда кичик, алоҳида фактлардан умумлашма ва бутунлик томон интилиш характерли хусусиятдир. Бу қайсидир маънода тўғри ҳамдир. Чунки, шарҳ миллионлаб одамларга муаммоларнинг моҳиятини тушуниб олишга ёрдам беради. Шарҳлашда индуктив услубдан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, воқеликни айлани ҳаётини вазиятларда ёритиш, алоҳида

ходисалар, фактлар ҳақида хабар бериш шарҳнинг асосий хусусиятларидан биридир.

Бу индуктив услуб воқеликни ҳолисона ёритиш кафолатини беради дегани эмас, албатта. Индуктив услуб барча бошқа услублар қатори ҳақиқий илмий асосга таянган ҳолдагина ўзининг натижаларини бериши мумкин. Индуктив услуб фақат муайян методологик вазиятларга суянган тақдирдагина тўғри хулосалар чиқариш мумкин. Ушбу шартлардан биттаси ва энг асосийси фактларни излаб топиш ва уларни талқин этишдир. Иккинчи шарти эса келтирилган маълумотларни илмий жихатдан тўғри таснифлаш. Материални таснифлаш муаммоси шарҳлашда жуда муҳим ҳисобланади.

Хаётни ҳаққоний ўрганиш алоҳида фактларни кўра олиш, унинг моҳиятини ва ижтимоий аҳамиятини тушунишга боғлиқ. Шунинг учун шарҳлашда факт нима ва у қандай роль уйнайди каби масалаларни англаб олиш керак.

Факт – бу «ҳақиқатда содир бўлган»¹ объектив ходиса ёки жараён.

А.И. Ракитов «факт» термини кўп маъноли эканлигини таъкидлаб, унинг кенг тарқалган учта маъносини келтириб ўтади:

1) «Чиндан» деган терминнинг синоними.

2) «Ходиса» терминининг синоми.

3) «Факт» термини «синовларда олинган бевосита эмпирик маълумотларнинг статистик резюмесини ўз ичига олган қарашларни айтишда ишлатилувчи сўз».²

¹ А.И.Ракитов. Статистическая интерпретация факта и роль статистических методов в построении эмпирического знания.- «Проблемы логики научного познания». М.: стр.376.

² Ўша ерда. 375-376 бетлар.

Фактни воқеа-ҳодиса сифатида тушуниш илмий жиҳатдан мақбул эмас. Лекин, айнан факт публицистиканинг ажралмас қисми ҳисобланади. Шунинг учун публицистик онг нуқтаи назаридан воқеликни акс эттиришни қуйидаги тартибда бериш мумкин: факт (лот. Factum - амалга оширилган) – «хақиқий, тўқилмаган ҳодиса, воқеа... қандайдир ягона маънони англатади.

Шундай қилиб факт ҳаракатдаги ривожланаётган борлиқнинг, воқеликнинг бир бўлаги. У ҳар доим каттами-кичикми ҳатти-ҳаракат, воқеа. Унинг ҳажми, боши, ривожи, охири мавжуд. Факт билан маълумот ўртасида фарқ мавжудми? Жуда кўп ҳолларда биз газета саҳифаларида фактни маълумот билан алмаштириб юборамиз. Тажрибаларни тадқиқ этаётганимизда нафақат натижаларни (рақамлар, маълумотлар) ўрганиш, балки натижаларга эришиш жараёнининг ўзи муҳим. Тажрибаларни умумлаштириш фақат уни алоҳида ва айни ходисалар мисолида тайёрлансагина ишонарли ҳамда намунали характерга эга бўлади.

Маълумотлар – бу айни рақамлар, статистик жадваллардир. Кўп ҳолларда айни ходисаларда қатнашаётган шахснинг ҳатти-ҳаракати, характери биринчи ўринга чиқади.

Ижтимоий фактлар инсоннинг ғоявий, сиёсий қарашларидан четга чиқиб кетолмайди. Фактларни танлаш аввало муаллифнинг тўтган позициясига боғлиқ. Танлаш воқеа-ходисанинг аҳамиятини белгилаш, баҳолаш дегани. Газета саҳифасида лавха сифатида пайдо бўлган факт бу муаллиф кузатувининг ижтимоий аҳамиятини белгилайди. Фактга нисбатан муаллифнинг муносабатини нафақат фактни танлашида, балки сарлавҳа танлашида, матнни ёритишида ҳам сезилиб туради. Масалан лавхалар одатда 7 қатордан иборат бўлади. «Ҳукумат репрессияси» номли сарлавҳанинг ўзиёқ муаллифнинг ушбу ходисага нисбатан муносабатини белгилаб берган.

Адабиётлар рўйхати:

1. Прохоров Е.П. Введение в теорию журналистики. М.: 1998.

2. Тогаев О. Ўзбек бадиий публицистикаси. – Т.: Фан. 1973.

3. Черепанов М.С. Проблемы теории публицистики. – М.: 1973.

4. А.И.Ракитов. Статистическая интерпретация факта и роль статистических методов в построении эмпирического знания.- «Проблемы логики научного познания». М.: стр.376.

5. Стрельцов Б.В. Основы журналистики. Жанры. Минск. 1990.

XIX – мавзу: Шарх ва тарғибот: шархлашнинг ўзига хос хусусиятлари

Режа: 1. Тарғибот ва ОАВ.

2. Фактлардан тарғибот сифатида фойдаланиш.

3. Қиёсий шарх ва журналист маҳорати.

Журналист ўзининг чиқишлари учун зарурий маълумот ва фактларни қаердан олиши мумкин? Ушбу масала у ёки бу даражада ҳар бир ОАВ ходими олдида кўндаланг туради. Бунга тўғри жавоб топиш ҳар бир журналистнинг маданий тафаккурига боғлиқ ходисадир. Ушбу маданий тафаккур янгиликлар манбаининг бойлигига, кенглиги ва ҳар хиллигига боғлиқ.

Албатта, журналистлар аниқ ёки фавқулодда ходисалар, дейлик Америка “Челленджер” космик кемасининг портлаши, Долли лақабли қўннинг клонлаштиришдан кейин пайдо бўлгани, Клинтон оиласи атрофида бўлган воқеалар, Б.Ельциннинг истеъфога чиқиши ва ҳоказо воқеаларнинг манбаи аниқ. Улар ОАВ, олимлар, сиёсатчилар, гувоҳлар ва бошқалар бўлиши мумкин.

Лекин тор доирадаги воқеалар ҳаётда тез-тез содир бўлиб туради. Агар уларнинг ахборот манбаи журналист эътиборига тушса, у канал орқали аудиторияга етказилади. Акс холда, ҳаттоки ўта муҳим ва аҳамиятли воқеа ходисалар ҳам аудиторияга етказилмасдан қолавериши мумкин.

Юқорида таъкидлаганимиздек, республика ва маҳаллий ОАВларимиз, жумладан телевидениямиз ҳам дунё янгиликларини ёритишда жуда қулай имкониятларга эга. Бу ерда улар манба сифатида халқаро ахборот каналлари, жумладан интернет, сунъий йўлдош телевидениялари, электрон почта, факсимал алоқалар ва ҳоказолардан фойдаланишмоқда. Нафақат бошловчи, балки тажрибали журналистларимиз ҳам гоҳида бўлаётган воқеа-ҳодисаларни ўз вақтида 7англаб улгурмаяптилар. Кейинги пайтларда бизнинг оммавий ахборот воситаларимиз пленка тагида чигит экиш “Андижон услуби”ни жуда кўп ёритишди. Лекин бу услуб аввал қаерда қўлланган ва дунё пахтачилик амалиётида бу нарса синаб кўрилган ёки кўрилмаганлиги ҳақида ОАВ ҳеч нарса демади. Ваҳоланки ўзбек кинематографчилари бу ҳақида атрофлича фильм олишган эди. Худди шунга ўхшаш Америка пахта териш машиналари ҳақида ҳам ОАВимизда асоссиз шов-шувли кўрсатувлар берилди: Бу материалларнинг кўпчилиги тахлилсиз, қиёсларсиз, ушбу машинанинг бизнинг майдонларимиз учун манфий ва мусбат томонларини айтмасдан кўрсатиб борилди. Ёки ишлаб чиқариш ҳақида тайёрланган материалларни олайлик. Бундай пайтларда журналистлар анъанавий усулдан фойдаланишади. Завод ёки ширкат хўжалигига, фирма ёки далага келган журналист маъмурият аъзолари билан учрашади, муваффақиятлар билан қизиқади, бир нечта рақамларни, исми шарифини ёзиб олиб, бир оз адабий пардоз бериб материални редакцияга юборади. Натижада у ёки бу ишлаб чиқариш ҳақида “навбатдаги” лавҳалар чиқиб кетаверади. Шунга ўхшаш тахлилсиз, қуруқ ва саёз материаллар ОАВда тез-тез учраб туради.

Кўплаб мавзулар деярли ҳар куни газеталар саҳифасида хабар ёки лавҳа сифатида ўз аксини топиб келмоқда. Бир мавзуга бағишланган хабарлар кўпинча эгизаклардек бир-бирига жуда ўхшаш бўлиб қолмоқда. Бунга келтирилаётган фактларнинг ўзига хослигини ажратолмаслик сабаб бўлмоқда.

Фактларнинг ўзига хослиги қуйидагиларда билиниши мумкин:

1. Ҳаракатдаги ёки ҳикоя қилинаётган шахсларнинг касбий, маънавий ва ёшига оид фазилатларнинг келтирилиши.
2. Воқеаларнинг характерли хусусияти, унинг оқими.
3. Ҳаракат содир бўлаётган жой (унинг ноодатийлиги, кутилмаганлиги, мураккаблиги ва х.к.)
4. Фактнинг юзага келиши, пайдо бўлиши билан боғлиқ ҳодиса сабабларини кўрсатиш.
5. Натижалар (айни натижа – миқдор ёки сифат ўзгаришлар, янги услублардан фойдаланиш ва х.к.) ҳақида.
6. Ҳодисаларнинг баъзи унсурлари ўртасидаги алоқалар – уларнинг бевосита ёки билвосита шартлилик хусусиятлари.

Публицистик онгни шакллантирувчи ҳар бир ҳодиса ёки фактда юқорида санаб ўтилган унсурлардан бир нечтаси ёки биттаси албатта иштирок этади. Уларни аниқлаш эса умумий ёки алоҳида ҳодисаларнинг моҳиятини янада ойдинлаштириш имконини яратади.

Публицистик фикр доимо икки томонлама бўлади. Баъзи ҳолатларда журналист фактлардан келиб чиқиб таҳлил орқали маълум хулосаларга келади. Бошқа пайтларда эса “хаёт парчаси”ни ўрганиб чиқиб маълум ғояларини амалга оширади. Аммо бундай пайтларда ҳам журналист фактлардан келиб чиқиб хулосалар чиқаради.

Фактлар таҳлил манбаи бўлганда ёки улар асосида у ёки бу даражадаги хулосаларга келинганда журналистнинг вазифаси янада мураккаблашади. Факт бошқа фактлар билан солиштирилганда унинг ўзига хос муҳим жиҳатлари келиб чиқаверади. Факт ўз табиатига кўра кўп қирралидир. Унинг бошқа фактларга нисбатан муносабатида кутилмаган унинг янги қирралари очилиши мумкин.

Адабиётлар рўйхати:

- 1.. Рендалл Д. Универсальный журналист: перев. С англ. Алексея Порьяза.

–Алмати : 1996.

2.Melvin Mencher. News Reporting and Writing. – Seventh edition/ - USA, Brown and Benchmark? 1997/

3. Черепахов М.С. Проблемы теории публицистики. – М.: 1973.

4.А.И.Ракитов. Статистическая интерпретация факта и роль статистических методов в построении эмпирического знания.- «Проблемы логики научного познания». М.: стр.376.

Х – мавзу: Шарҳ ва журналист шахси

Режа: 1. Факт ва таҳлил.

2.Таҳлил этиш журналист дунёқараши.

3.Журналист позицияси ва факт

Таҳлил муаммоси воқеликни англаш нуқтаи назаридан энг муҳимларидан бири ҳисобланади. Таҳлил бутун нарсани қисмларга бўлиб ўрганишни тақазо этади. Нарсаларнинг белгиларини билиш учун бутунни бўлишдан олдин ушбу белгилар нимадан иборат эканлигини ва қандай бўлақларга бўлиниш мумкинлигини англаш жуда муҳим. Демак, таҳлил қилишдан олдин муаллиф бутун нарсанинг ўзини тўла англаб олиши зарур. Буни илмий термин билан дедукция деб аталади.

Қатор публицистик материалларнинг жиддий камчилиги сифатида уларнинг ўрганган мавзусининг барча томонларини тадқиқ этмаганлигида кўринади. Таҳлилнинг тўлиқ эмаслиги материалнинг самарадорлигини, таъсирини анча сусайтиради. Кўп ҳолларда муаллиф муаммодан четлашиб кетади ёки уни

бошқа мавзу билан чалкаштириб юборади. Бу эса ўз навбатида матн мантиқини бузиб юборади.

Турли жанрлардаги чиқишларнинг кўпчилигида мантиқсизликлар учрайди ёки сўзлардан механик тарзда фойдаланишади. Масалан «Шуни таъкидлаш керакки...», «Шуни айтмасдан бўлмайдики...». Тўғри ушбу жумлалардан фойдаланиш керак, лекин гоҳида ушбу сўзлар бутунлай мантиқсизликни келтириб чиқаради.

Изчил қилинган таҳлил асарнинг мантиқийлигини жиддий қафолатлайди. Журналист фактларни таҳлил этиш давомида турли саволларга жавоб излайди: қандай қилиб муваффақиятга эришилди? Нима учун у ёки бу воқеа содир бўлди? Мазкур муаммони ҳал этиш кимга боғлиқ? Барча ҳолатларда ҳам таҳлил фактлар, унсурлар, нарсалар ўртасидаги алоқани аниқлашни тоқоза этади. Бу эса ўз навбатида материалга мантиқий бутунлик бахш этади.

Ҳаётнинг «парчаси»ни , у ёки бу ҳодисани кузатиш орқали англаш ўзидан жуда қизиқарли. Кузатув жарёнида таҳлил этиш йўли билан воқеликдаги фактларни англаш ва тадқиқ этиш ўта самаралидир. Чунки таҳлилсиз ижтимоий жараёнларни мутлақо англаб бўлмаслиги барчага аён.

Журналистнинг ишончли позицияси унинг содир бўлаётган ҳодисаларни таҳлил этиш қобилиятига чамбарчас боғлиқ, яъни тасодифий ҳодисаларда қонуниятларни кўра билиш ва англаш. Журналистнинг таҳлилий қобилияти қанчалик юқори бўлса, унинг ҳолислиги шунча юксак бўлади. Аммо энг асосийси янгиликни, очилмаган нарсаларни кўра билиш ва хис этиш муҳим. Ҳатто журналистларнинг ичида ҳам «Қара, палончи қандай таҳлилчи!» ёки «Бу киши таҳлил устаси!» деган гап-сўзларни кўп учратамиз. Журналистлар бундай сифатлашларни ўзларининг таҳлили билан барча эски қарашлар ва қолипларни бузиб ташлайдиган ҳамкасбларига нисбатан ишлатадилар.

Тахлил сўзи юнонча “analysis”дан олинган бўлиб, бўлакларга, аъзоларга бўлиш деган маънони англатади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, тахлил бу тадқиқ этишнинг ўзига хос мантикий усули сифатида қараш мумкин.

Унинг ўзига хослиги ўрганилаётган нарсa – воқеа – факт - ҳодиса – вазият – жараён каби тушунчалар таркибий қисм сифатида тадқиқ этилади.

Тахлилий услуб журналист фаолиятида катта ўзгаришлар, яъни демократия, бозор муносабатларига ўтиш, сиёсий тизимни ислох қилиш, мустақиллик мафкурасини шакллантириш ва ҳ.к. пайтида жуда долзарб ҳисобланади. Шу билан бирга ижтимоий талатуплар, ғавқулодда ҳодисалар, ҳалокатлар пайтида ҳам, масалан 1999 йил Ўзбекистон ҳудудига террорчиларнинг ҳужуми ёки 2001 йил 11 сентябрда АҚШда содир этилган террористик портлашлар пайтида тахлилий чиқишлар ўта муҳим ҳисобланади.

Шарҳловчи воқеа ва фактларни, ҳодиса ва жараёнларни тахлил этаётганда нафаъат унинг келиб чиқишини очиқ бериши, балки унинг келажакда ый тартибда ривож топишини ҳам миллионлаб аудиторияга қўрсатиб бериши керак. Шунинг учун ҳам журналист тахлил давомида нима учун? Нега? Ўандай? Зиддиятнинг моҳияти нимада? Ўандай манфаатлар ётибди? Бу ыандай оғибатларга олиб келиши мумкин? каби саволларни доимий равишда бериб боришга мажбур.

Факт, воқеа, ҳодисалар жуда ҳам ўжар нарсa. Лекин журналист йиғилган барча фактлардан фойдалана ололмаслиги ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам журналистлар қайси жанрда ижод қилишига қараб, асосий ғоясига қараб фактларни йиғишга ҳаракат қилади. Тўғри фактлар ўзи ҳақида ўзлари гапира оладилар. Тажрибали журналистлар буни жуда яхши билишади. Лекин шу билан бирга уларнинг аҳамиятни ҳам ошириб юбормаслик керак. Уларни фақат санаб ўтиш билан, қалаштириб ташлаш билан ҳақиқий картинани юзага чиқариш қийин.

Адабиётлар рўйхати:

1. Дўстмуҳаммад, Хуршид. Журналист бўлмоқчимисиз? – Т.: Янги аср авлоди, 2001.
2. Профессионал маҳорат сари тўрт қадам. (Журналистлар учун ўқув қўлланма). – Т.: 2002. (Уруш ва тинчликни ёритиш институти).
3. Нестренко Ф.П., Эрназаров К.Т., Маматова Я.М. Труд журналиста: профессионализм, творчество, мастерство. Учебное пособие. – Т.: 2002.
4. Shrivastava K.M. News reporting and editing. – Second revised edition. India: New Delhi, 1991.
5. Melvin Mencher. News Reporting and Writing. – Seventh edition/ - USA, Brown and Benchmark? 1997.